

Бухоро шаҳар «Нефтегазқурилиштаъмир» акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни молиявий ва ҳужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви буйича ижобий аудитрлик

ХУЛОСА

2021 йил 15 май

Бухоро ш.

Бухоро шаҳар МЧЖ «PROGRESS – AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йил 7 октябр кунида берилган 351 – сонли Гувохнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрел кунида берилган аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукукини берувчи АФ № 00784 - сонли Лицензиясига асосан фаолият юритади .

Манзили: Бухоро шаҳри, Хамза кучаси 14–уй, Хисоб рақами: 20208000003201832001, МФО: 00088, «Ипотекабанк» Бухоро бўлими, ИНН : 202359083 . ХХТУТ : 84400 . Аудиторлик текширувини аудитор С. Хаитов ва аудитор ёрдамчиси С. Алимджанова утказди, аудитор малака сертификати № 05395 2016 йил 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган .

Адресатнинг номи: Бухоро шаҳар «Нефтегазқурилиштаъмир» АЖ Саноатқурилиш банкида ўзининг МФО-00096, 20210000700481302001-сонли ҳисоб рақамига Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 201514248-сонли ИНН рақамига эга

«Нефтегазқурилиштаъмир» акциядорлик жамияти билан МЧЖ «PROGRESS – AUDIT» ташкилоти уртасида 10 май 2021 йилда тузилган № 1/61-сонли шартномага асосан «Нефтегазқурилиштаъмир» акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни буйича молиявий ва ҳужалик фаолияти юзасидан аудиторлик текшируви утказдик.

Аудиторлик текширувидан утказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот буйича уз хулосаси учун жавоб беради .

Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари»га мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисоботлар жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларни олишга йуналтирилган аудиторлик амалларни утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ҳужалик юритувчи субъект Бухоро шаҳар «Нефтегазқурилиштаъмир» акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуний молиявий ҳисоботлари барча муҳимлик жиҳатлари буйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-ҳужалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси Бухалтерия ҳисоби тугрисида»ги Конун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади .

МЧЖ шаклидаги «PROGRESS – AUDIT»

ташкилоти директори



Хаитов С.С.